

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан микра бошлаган.

№ 269 (6. 160)

1986 йил 24 ноябрь, душанба

Баҳоси 3 тийин



ҚАЙТА ҚУРИШ-ДАВР ТАЛАБИ

Депутат иш устида

Генерал Жонибеков наказын бажармоқда

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Владимир Александрович Жонибеков бундан бир йил муқаддам сайловчиларига ваъда берганидек, Янги Чилонзор қозонхонаси қурилишига келди. Авиация генерал-майори, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавтувчиси ўзи сайланган вақтда берилган нақоз — ана шу энг муҳим объектни муддатидан илгари фойдаланишга топширишда қурувчилар ва монтажчиларга ёрдам бериш тўғрисидаги нақозни бажаришни ўзининг энг муҳим бурчи, деб ҳисоблайди.

Янги қозонхонанинг ишга туширилиши туғйили республика пойтахтидаги Чилонзор районидан яшовчи минг-минглаб аҳоли кишиқирини кулларда совуқ емейди. «Хўш, «Ўзбекгастроэнергострой» трести ва «Главташкентстрой» коллективларида иш қандай бормоқда?

Қурувчилар барака топширини, пайд бериб қўйишмади, — деди ЎзТАГ мухбири саволига Владимир Александрович. — Мен бу ерда 1985 йилининг ноябрида бўлган эдим. Қотловани бир нечта бульдозердан бўла ҳеч нарса йўқ эди. Аяна иш қилишибди: яна икки ҳафтадан кейин, белгиланганидан бир неча ой илгари биринчи қозонхона иссиқлик бера бошлади.

Аслини олганда, Янги Чилонзор қозонхонаси йиринк иссиқлик маркази бўлиб, Тошкентнинг энг йиринк уйқой районини иситишга қодирдир. Биринчи қозон 10 декабрдан бошлаб ҳар соатда бир ярим минг тоннага яқин буғ чиқариб, қарийб 2 миллион квадрат метр саҳи

даги квартирани иситиши керак.

Қурилиш майдонидан аввалги иш ҳа деганда юришиб кетавермади. Мамлакат ва республикадаги маҳсулот етказиб бераётган аянчагина заводлар қурувчиларнинг ташаббусига қўшилишга шонлимай ускуна, металл конструкцияларини муддатидан илгари етказиб беришни пайсалга солавердилар. Шу кезларда депутат В. Жонибековнинг бу ишларга аралишишга тўғри келди. Депутатнинг исбот-далиллар билан асосланган илтимосига кўра Новосибирск ва Олмаота шаҳарларининг қорхоналари ишчи эстафетасига қўшилдилар.

Янги Чилонзор қозонхонасида ҳозирнинг ўзидаяқ 15 миллион сўмлик иш бажариб қўйилди. Қора мой омбори қурилди. Катта диаметри қурувлар учун жуда мураккаб монтаж ишлари адо этилди, энергетика хизмати бўлими ишга шай қилиб қўйилди. Биринчи қозонхонага асосий ёнғилги — Шўртан газ улаиди. Владимир Александрович аянчагина 150 метр баландликдаги бош қурувнинг монтаж билан қизиқди. «Ташкентгастроэнергострой» ижтимоидаридан А. Железников ва Г. Қодиров тақлифи билан бу қурувнинг конструкцияси ўзгартрилиб, темирбетондан эмас, балки аялти металлдан ясалди. Натияжада 500 тоннага яқин пўлат, неча минг куб метр бетон тежалди.

Депутат В. Жонибеков ижтимоидарининг ижодкорлигига муносиб баҳо берди. Дарҳақиқат, бу аянглик туғйили меҳнат сарфи камайди, аянчагина маблағ бўшатиб олинди. Ишчиюнинг пишиқпўхталитига эса пўтур етгани йўқ. Космонавт соф техника.

Депутат Жонибековга биз қуйидаги саволини бердик: Ўзбекистон ССР Олий Советининг бўлажак сессияси олдидан уни қайси масалалар ҳақига солиб турибди, у яна қандай нақозларни бажариши керак?

— Чилонзор районини ободонлаштириш ишларининг бориши, мен сайланган сайлов округи территориясида жойлашган студентлар ва ишчилар ётоқхоналарида маиший аҳвол ташвишга солиб турибди. Афсуски, ҳам, ма масалаларни ҳал этиб бўлмади. Лекин ишончим комилки, буларни албатта ҳал қиламиз.

— Шундан кейин муаммолар қолмас экан-да? — Бундай бўлмас керак. Мен «Ўзбекгастроэнергострой» коллективи билан азалдан қалин дўстман. Уларнинг уй-орзуларини биланман. Ҳозир Янги Ангрен ГРЭСининг тўртинчи энергоблоки қурилишда мураккаб аҳвол рўй берди. Бу энергоблок беш йилликнинг иккинчи йилида ишга солиниши керак. Подолет шаҳри машинасозлари қозон тайёрлашни жадаллаштириши истамаптилар. Москвада қайтаганидан кейин шу машинасозлар ҳузурига бормоқчиман.

Янги Чилонзор станциясининг биринчи қозон келгуси йилининг февраль ойида эмас, балки бир неча кундан кейин иссиқлик бера бошлайди. Қурувчилар, монтажчилар, соловчилар билан бир қаторда бунга генерал Жонибеков ҳам муносиб ҳисса қўшди. У бизнинг юрдошимиз, халқ сайлаган депутатдир.

Қурувчиларни қосминг тақриқотлар тараққийнинг истиқболлари, совет космонавтикасининг равнақи йўллари қизиқтиради, албатта. Космонавт уларнинг саволига батафсил жавоб қайтарди.

Л. ЛЕВИН.

ЎзТАГ мухбири.



Аҳил коллектив аҳди

Тошкент баш қурилиш баш башқармаси 2-ўйсозлик комбинати 60-қурилиш башқармасининг Раҳим Ниёзов етакчилигидаги бригадаси аъзолари ўн бир ойлик пилани бажарганликлари ҳақида рапорт берди. Аҳил коллективнинг бригада пудраты асосида иш юри, таътиллиги, башқорларнинг бир неча турдош касбларини эгаллашганликлари муваффақиятлар омили бўлмоқда. Бригадининг ютуғига Рустам Муродов, Аҳмадқабар Пўлатов,

Василий Попович сингари илгор қурувчилар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шу кунларда улар Ипподромная ва Гайдар кўчалари кесилишган чорражада бунёд этилаётган 47 квартиралар турар-жой биносиде иш-ламоқдалар. Улар ўзаро мусабакани аянда авж олдириб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги байрамини икки йиллик пилани бажариш билан қўшиб олиш учун естойил ҳаракат қилмоқдалар.

ЛОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 23 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Пиланта нисбатан процент ҳисобида).
Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бўён.

ФАРҒОНА	0.01	105.08
ТОШКЕНТ	0.01	104.40

СУРХОНДАРЕ	0.04	101.17
НАМАНГАН	0.04	100.24
Сирдарё	0.09	97.03
ҚҚАССР	0.12	92.37
Андижон	0.06	87.44
Хоразм	0.07	85.63
Жиззах	0.04	80.27
Самарқанд	0.05	75.46
Бухоро	0.01	74.64
Навоий	0.04	61.03
Қашқадарё	0.04	59.31

Республика бўйича:	0.04	87.19
--------------------	------	-------

Америка ҳарбий кемалари отряди Никарагуа қўшни Коста-Рика соҳилларида олиб келинди. АҚШнинг Панамадаги ҳарбий базаларида жонлиш сезилмоқда. Бу ва бошқа фактлар, дейилади баёнотда, АҚШнинг Никарагуага қарши агрессия ҳаракатларда бевосита иштироки кучайтирилганлигини тасдиқлайди. Сандиночилар ҳукумати Қўшма Штатлардан Никарагуага нисбатан дуқ-пўниси ва товламачилик сиёсати ўтказишга чек қўйишни ҳамда халқаро ҳуқуқнинг энг одил нормалари ва принципларини ҳурмат қилишни талаб этди.

ГАВАНА

АҚШ президентининг алоҳида топшириқлар бўйича элчиси Ф. Ҳабиб Гватемала президенти В. Сересо билан музокаралар олиб борган, ўзининг Никарагуага қўшни бўлган Марказий Америка мамлакатлари бўйлаб сафарини тугатлади. Лотин Америкаси матбуотининг таъкидла-

шича, унинг мазкур қалтис регион пойтахтларига навбатдаги визитидан мақсад Контадор группасининг Марказий Америка можаросини тинч ҳал этиш йўллари қидириб топил соҳасидаги қуч-ғайратларини йўққа чиқариш, ва Никарагуани сиёсий жиҳатдан аяқаллаб қўйишга эришишдан иборат. Бу ердан олинган хабарларга кўра, Ҳабиб Вашингтон Никарагуага қарши эълон қилмаган уруш май-

донига айлантирган Гондурасга келган, мазкур мамлакат маъмурулари ва армия раҳбарлари билан Қўшма Штатлар сомасачи қаллаесарларга ажратган 100 миллион доллардан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларини муҳокама қилди. Лотин Америкаси мамлакатлари кузатувчиларининг фикрича, Ҳабиб ана шу мамлакатлардан Никарагуа билан муносабатларини узишни талаб қилди.

Замондошимиз



ЭНГ МУҲИМ ОМИЛ

Олимпларнинг илм қўқиларини эгаллаш, ўз соҳаларида бирор янгиллик яратиш соҳасидаги машаққатли меҳнатларини «иғна билан қудуқ қазнишга» қийслайдилар. Бу жуда тўғри. Аммо бирор касбни мукамал эгаллаш, унинг моҳир устаси бўлиб етишиш учун бундан оз меҳнат, кўнг ва сабот талаб қилинади — деб ўйланган. Ҳар соҳада бўлгани каби ишлаб чиқаришда ҳам кечаги тажриба, билим билан яшаб бўлмайди. Бу — ҳаёт қонун.

Хатике Осмонова шахримиздаги асбобсозлик заводининг 5-цехида универсал чарчловчи бўлиб ишлайди. «Универсал ишчи» — бу айтишгагина осон. Бу фахрли номи қўлга киритиш нақадер машаққатли эканлигини касб-кор эгалари аялти билишади. Х. Осмонова шахримиз саноат қорхоналари учун турли деталлар, асбоб-ускуналар етказиб бераётган қорхонанинг ветеран ишчиларидан

бири. Унинг заводда меҳнат қилаётганига ўттиз йилдан ошди. У ҳамиша илганишда. Чархдаш жарёнига бирор янгиллик киритишга, деталларнинг пишиқлигини янада оширишга интилади.

— КПСС XXVII съездида инсон омилни активлаштириш ва шу омил ёрдамида ижтимоий-иқтисодий энг қудратли резервалар — юксак оинглик, қуч-ғайрат ва ташаббусни, мустақам интизом ва ишга омилқорлик муносабатини ҳаракатга келтириш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди, — дейди Х. Осмонова. — Олдимизда улкан вазифалар турбиди. Бу вазифаларини бажариш учун ҳар биримиз ўз иш жойимизда ижодий, ташаббус қўсатиб, юксак сафарбарлик билан меҳнат қилишимиз лозим.

СУРАТДА: Х. Осмонова.

Т. Каримов фотоси.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

ҲИНД ЖУРНАЛИСТЛАРИ БИЛАН СУҲБАТИ

БУГУН ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН

Район комсомол конференциялари

ОБ-ҲАВО ВА САЛОМАТЛИК

КПСС XXVII съезди Леин комсомол олдига масъулиятни вазифаларини қўйишда. Бугунги кунда комсомол ва ёшларга бажариладиган ишларнинг масъулиятини ишларнинг ишчиюнинг топширилгани, бу нараса ўн иккинчи беш йиллик зафарларини белгиланган кўп жиладан аҳамиятга моликдир. Партияннинг ана шу ишончли комсомол таъкилотлари ўз ишларини ҳар томонлама мунтазам равишда татбиқлаштириш, ҳар бир йилги ва қизининг активлигини ва масъулиятини ошириш, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш бўйича комсомолнинг катта ва мураккаб ишларида ҳали мавжуд бўлган нуқсон ва камчиликларга барҳам бериш билангина оқлашлари мумкин.

Қуйида, Чилонзор, Сергели районларининг комсомол конференцияларида ана шулар ҳақида сўз борди. Район комсомол комитетларининг ҳисобот докладыни муҳокама этган кон-

ференцияларнинг делегатлари бундан кейинги ишларнинг режаларини, ВЛКСМнинг XX съездида тайёрланган ва уни қўйиб олиш бўйича режаларини белгилалар, комсомол таъкилотларининг ишларини қайта қуриш учун жадаллаштириш заруриятини таъкидладилар. Қайтадан сайланган район комсомол комитетларининг таъкилотлари бўлиб ўтди. В. Пирогов Куйбишев район комсомол комитетининг биринчи секретари, М. Расулова Сергели район комсомол комитетининг биринчи секретари, Х. Абдуллаев Чилонзор район комсомол комитетининг биринчи секретарлари этиб сайландилар.

Шаҳар ва област комсомол конференцияларига делегатлар сайланди.

[Сергели район комсомол конференцияси тўғрисида батафсил ҳисоботини газетанинги ақин сонларидан бирда ўқийсиз].

«ҲАРАКАТЛАР ДАВРИ!»

Комсомол ташаббуси билан ўтказилаётган урушга қарши Бутуниттифок ёшлар референдумининг шиори ана шундай. Бу референдум 22 ноябрь кунин бошланди. Республика шаҳар ва қишлоқларидаги минг-минглаб ўзбекистонлик йигит-қизлар тинчлик иштини сўз билан эмас, балки иш билан мустақамлашга даъват қилаётган варақа-билетларига имзо чекдилар.

Булар орасида 22 ноябрь кунин ўзларининг район конференцияларида йилгилан Тошкентдаги Чилонзор районининг йигит ва қизлари ҳам бор. «Ташкентроствро»нинг тоинлей отряди илчиси С. Огородов ҳам варақага имзо чекди.

— Жонажон Коммунистик партиямиз тинчликсевар йўлини ишончли тарзда қўйиб-қувватлаш учун ёнжодан маъмурулари ва армия раҳбарлари билан Қўшма Штатлар сомасачи қаллаесарларга ажратган 100 миллион доллардан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларини муҳокама қилди. Лотин Америкаси мамлакатлари кузатувчиларининг фикрича, Ҳабиб ана шу мамлакатлардан Никарагуа билан муносабатларини узишни талаб қилди.

«Ҳаракатлар даври!» референдуми икки кун давом этади. (ЎзТАГ).

24—30 НОЯБРЬ

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг директори, медицина фанлари доктори, профессор Н. М. Мажинов таърири остида.

Ўзбекистон ССР гидрометеорология марказининг маълумотларига қараганда Тошкент ва Тошкент областида ҳавонинг аста-секин исийиш кутулади. Кечаси 0—5 даража совуқдан 1—6 даражагача иссиқ, кундузи 4—9 даражадан 9—14 даражагача иссиқ бўлади. Ҳафтанга аксарият кунлари ёнгарчилик бўлмайди, қусқис шамо ҳсади. Ҳафтаннинг ўртача ҳарорати кўп йиллик ўртача нормадан 1—3 даража пест бўлиши кутулади.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медицина об-ҳаво маълумотлари ва метеопрофилактика маркази мутахассисларининг фикрига қараганда икким нормасидан даярлик фарқ қилмайдиган ҳаво ҳарорати ва атмосфера босимининг ўзгариш турши аксарият беморларда метеопатик реакцияларни вужудга келтирмайди. Шу сабабли ана шундай реакцияларнинг олдини олишга қаратилган махсус тадбирларни қўйишга ҳолат йўқ.

Бундай кунларда об-ҳаво ўзгаришларига мойил беморларга профилактика тарикасида чиниқилиш давом эттириш ва очик ҳавода бўлиш вақтини кўпайтириб бориш тавсия этилади.



ПЕШҚАДАМЛИК УЧУН КУРАШ

Кун сайин шашка бўйича аёллар турнирида вазиет кескинлашиб бормоқда. Кеча Белкина Ткаченко билан бўлган учрашувда очикни баҳам кўрди. Бундан Елена Читайкина усталик билан фойдаланди. У мамлакатимизнинг собик чемпиони Людмила Петрова-ни энгб пешқадамга етиб олди. Ҳозир Белкина ва Читайкина активида тўрттадан очко бор. Республикаимизнинг вакили Зайноб Сафина ҳам мавқеини яхшилаб олди. У Мартыновани энгб жамагарган очколарининг 3 тага етказди. Бошқа учрашуларда даярлик натижа қайд этилди. Бугун навбатдаги тур учрашувлари бўлади.

ТАСС ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ДЕҲЛИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Ҳиндистонга қиладиган визити гоят муҳим аҳамиятга эгадир. — деди ТАСС мухбирига Ҳиндистон туризм министри Муҳаммад Сайед. Тинчлик — бизларнинг муштарак идеалимиз.

Бу галги олий даражадаги Совет—Ҳиндистон учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларда янги босқични бошлабгина қолмай, шу билан бирга тинчликнинг мустақамлаш ишига хизмат қилади.

МАНАГУА

Никарагуа ҳукумати АҚШ Марказий Америкада-

ги ўз ҳарбий қучлари ва техникасини тобора қўпайтиратганини қоралади ва бу Никарагуа учун хавф туғдираётганлигини айтиди. Ташқи ишлар министрининг Манaguaда тарқатилган баёнотида республика соҳили аянчида АҚШнинг ҳарбий-денгиз қучлари тулланаётганлиги ўқтириб ўтилади.


АҚШ президентининг алоҳида топшириқлар бўйича элчиси Ф. Ҳабиб Гватемала президенти В. Сересо билан музокаралар олиб борган, ўзининг Никарагуага қўшни бўлган Марказий Америка мамлакатлари бўйлаб сафарини тугатлади. Лотин Америкаси матбуотининг таъкидла-

шича, унинг мазкур қалтис регион пойтахтларига навбатдаги визитидан мақсад Контадор группасининг Марказий Америка можаросини тинч ҳал этиш йўллари қидириб топил соҳасидаги қуч-ғайратларини йўққа чиқариш, ва Никарагуани сиёсий жиҳатдан аяқаллаб қўйишга эришишдан иборат. Бу ердан олинган хабарларга кўра, Ҳабиб Вашингтон Никарагуага қарши эълон қилмаган уруш май-

донига айлантирган Гондурасга келган, мазкур мамлакат маъмурулари ва армия раҳбарлари билан Қўшма Штатлар сомасачи қаллаесарларга ажратган 100 миллион доллардан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларини муҳокама қилди. Лотин Америкаси мамлакатлари кузатувчиларининг фикрича, Ҳабиб ана шу мамлакатлардан Никарагуа билан муносабатларини узишни талаб қилди.

ЖОНАЖОН БАТАН БҮЙЛАБ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР БERAДИЛАР



Свердловск области. Михайловскдаги рангли металлургия ишлаш заводи ишларни жадал сурьатда олиб бораётган. Бу ерда корхона реконструкция қилинган ва кенгайтирилган. Ил бошидан буён ишлаб чиқариш қувватларининг янгилашиши эвазига топириққа қўшимча юз минглаб сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат уюмдорлиги анча ошди. Корхонанинг техник жўхатдан таъминлашиши ана шунга имкон берди. Реконструкциядан кейин эса корхона чўққисиз технология асосида ишлайдиган бўлди.

СУРАТДА: буюртмачиларга жўнатишга тайёрлаб қўйилган алюмин ўрами. Корхона коллектив реконструкция мобайнида ҳам иш сурьатининг бир маромда бўлишини таъминламоқда.

А. Семехин фотоси, ТАСС фотохроникаси.



Волга дарёси орқали кўплаб халқ хўжалиги юқлари ташилади. Бу сурат Ульяновск яқинида олинган. Ю. Белозёров фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Металлнинг пишиқ тўни

УФА. Мўрт шиша... пўлат магистраллар умрини узайтиришда ердам берадиган бўлиб чиқди. Туймаза медицина шиша заводининг янги цехи бугун Бошқирдистон нефтьчиларига коррозияга қарши махсус методлар билан ишлов берилган қувурларни жўнатди.

Қувур орқали ташиладиган нефтьнинг металлга зарарли бир қанча моддалари: олтингургут намакоби, парафинлар бўлади. Шу моддалар таъсирида нефть қувурлари тешилиб қончиларни кўп овора қилади.

Янгилик Туймаза медицина шиша заводи билан «Башнефть» бирлашмаси коллективларининг биргаликдаги куч-гайратлари натижасида вужудга келди. Шишапаз усталар махсус эмаль (сир) тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишга киришдилару, лекин битта шарт қўйдилар: янги қопламанинг асосий моддаси бўлиши мўрт шиша ташилаётганда, эгилладиган конструкциялар тайёрланганда синмаслиги учун металлургия чийталаридан олинган органик бирикма қўшилиши керак, дедилар. Урал политехника институти қувурларни эмаллаш тармоқ лабораториясининг мутахассислари қўшилганда модда рецетини тақлиф қилдилар.

Хотата эмали синовлардан жуда яхши чиқди.

Бундан бир неча кун аввал ИТСС Марказий Комитетининг Сибей бюроси Бошқирдистон АССР нефть, нефтини қайта ишлаш, нефть химияси sanoati корхоналари ва таъминотлари меҳнат коллективларининг ўн иккинчи беш йилликда ишлаб чиқаришни интенсиблилаш борасидаги ташаббусини маъқуллади, деди янги пех бошлиғи В. Кочетков. Коллективимиз шу юксак корхоналарнинг бажаришни автоном республика барча қўшма қувурларни ясаб беришни шарафли иш деб ҳисоблаймиз. Бу нараса жиддий ва зарур ишга қўшган ҳиссамиз бўлсин.

Чўян қўймалар

КАУНАС. Ҳаёт чидамли чўяндан ясалган деталларнинг қўлланилиши станоклар ва бошқа асбоб-ускуналарнинг таннархини камайтириш имконини беради. Каунадаги «Центролит» заводи ана шундай маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Шундай чўяндан тайёрланган аниқ қўймалар бундан кейин ишлов беришни талаб қилмайди. Корхона мутахассислари Каунас ва Киев олимлари билан биргаликда ишлаб чиққан технология асосида металлнинг янги маркаси ҳосил қилинмоқда. Материал анча пишиқлиги, эгилувчанлиги ҳамда ҳарорат ва нам ўзгаришларига чидамлилиги билан ажралиб туради. Ҳаёт чидамли чўян машиналарнинг кўпгина агрегатлари ва узелларида пўлат деталларнинг ўрнини босиши мумкин.

«Ўрмон неъматлари»

Оржоникидзе. Шимолий Осетиядаги ихтисослашган ўрмон хўжалигининг корхоналари янги маҳсулот ишлаб чиқара бошладилар. Ассорти консерваларнинг катта туркуми Шимолий Кавказ, Волга бўйи Ноҳратулоқ зона областлари шаҳар ва ишчи поселкаларининг аҳолисига жўнатилади. Бундай консерваларда ёввойи олма, нок, тоғ олча, қизил меваларидан фойдаланилмоқда. Бодрезак, қора ярибана, чаканда, наъматак шарбати ва экстрактларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. «Ўрмон неъматлари» бирлашмаси маҳсулотининг 50 дан кўпроқ турини ишлаб чиқармоқда.

Порлайвер, «Юлдузча»

Тошкентда ташкил қилинган янги нашриёт «Юлдузча» деб аталади. У бошлар учун бадиий адабиёт чинаришга ихтисослаштирилган. Нашриёт директори Гулчехра Нуруллаева янги коллективнинг мақсадлари ва вазифалари ҳақида ҳикоя қилади. — Бугунги болакайлар мамлакатнинг келажатидир. Партия уларни коммунист

НАРОСАТ ГҲҲҲҲҲ

ШУҲРАТ, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Бу атом асри деб...

Бу атом асри деб баъзи кишилар Шодликдан дўпписин кўкка отади. Баъзилар кўради даҳшатли тушлар, Оппоқ тонг отгучча ўйлаб ўтади! Мен кўкка қарайман. Осмонда қушлар, Локувард уфқни қилади ҳавас. Барқ урган баҳорини севиб олқишлар Иннига, ташқиллаб тўмшугида хас! Ер ўша, қуш ўша, осмон ҳам ўша, Дарахтлар кўрни ҳам эски рангида. Наҳотки ёвузга бўлиб томоша Ҳаммасин ер ютар қирғин чангида! Ишонгим келмайди, даҳшат-ку, ҳайҳот! Атомни қарғайми ё қўтлайми шод!!!

Ҳали гул, орзу кўп...

Айт, эркам, нимадан безовтасан, айт, Айт, эркам, нимадан кўнглинг тўлмайди! Еки мен бўлдимни ноғохон лоқайд, Е ҳамон дейсанми, омад келмади! Бу ҳаёт шунча, доим бири кам, Бир камки, доимо курашда киши! Барибир шунда ҳам бу олам кўркам, Бу олам бахтига бўлсин олқишим! Уқинма, юрғин, яшнаб яшайвер, Безовта қилма, кўй, мени гоҳида. Кел, дўстим, азизим, қўлларинг бер, Ҳали гул, орзу кўп ҳаёт боғида!

Чўққи ва бургут

Майли мен чўққиман, сен эса бургут, Лекин сен тепамда учма керилиб. Минг баланд ўчсанг ҳам толиқиб ёхуд... Охири қўнасан кўксимга келиб. Мен сенга макониман, сенга куч берган, Ўжсакча чорлаган менинг ўзимман. Чўққоқлар ҳатлагин, бўлутга киргин, Бир лаҳза кетмайсан нари кўзимдан!

Яйлову қир томонда сичқону каламушлар, турли жонотлар, илонлару қушлар яшар экан, ҳар бири ўз ҳолича топанганини ошар экан. Уларнинг орасида ҳам бой, камбағал, ҳалоп-уғиромлари, меҳнатсевару иғвогарлари бўлар экан. Қоракўшнинг бирини Қора каламуш Оқ каламуш устидан эри қилиб бургут ёнига борибди. Дод солибди. Кўз ёш тўкибди.

— Қора кунга қолдики! Сиз Оқ каламушнинг жазосини бермасангиз бўлмайди! Уларнинг дастидан биз она-бололаримиз на тинчлик ва на ҳузур-ҳаловат бор. Улар бўлсак ўлиб бўлдики! — дебди Қора каламуш.

— Яхши, яхши! — дебди бургут. — Мен текшираман. Аризангиз қолдир. Уйинг қаред!

— Хў, қизил харсанг ёнида, кирининг бағрида. Етти қават ер остида яшаймиз.

— Ие, шовша-шовша! Етти қават ер остида яшасанг сен менга қарамайсан. Менинг даргоҳим Етти қават осмон ҳисобланади. Етти қават ер остига биз тушолмаймиз. Етти қават ер қўзойнакли илон даргоҳи, унга қарашли. Аризингиз ўшанга айтасан!

Қоракўшнинг тинчаси қуриб, излаб кетибди. Гоҳ ер остидан, гоҳ ер устидан юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб кунгай қир остига етиб борибди. Қўзойнакли илонни топибди. У кунча бўлиб ётган экан.

— Мунча чийиллаётини! Мунча додлаётини, тирранча! Нима, осмон узалиб ерга тушди-ми? Мен эдингизга офтобга чиқиб, нурга товланиб мизгилган эканман-а!

— Уя! Уя! — деб бидирлабди Қоракўш. — Уя! Уя! Мени ҳузурингизга келиб, сиз олижанобини уйқусини бур



бошлаймиз. Унда революцион-ватанпарварлик тематикасига катта ўрин берилган. Келгуси йилда юбилейлар кўп бўлади. Уларнинг энг муҳими ва қувончлиси Улуғ Октябрьнинг 70 йиллигидир. Бундан ташқари революция шунқори Ф. Э. Дзержинскийнинг 110 йиллиги ва граждандар урушининг тилларда дoston бўлган қаҳрамони В. И. Чапаев туғилган кунининг 100 йиллиги нишонланади. Шолини саналарга бағишланган китоблар чиқарилади. «Рус тилини ўрганамиз»

Бургутли чўққиман — бу ажиб унвон. Лекин сен яшай бил менда беармон. Чўққида яшашнинг таърифи улуг, Чўққидан олам кенг, чўққида ёруй!

Хориждан қайтиш

Мен бугун тўлибман эллик сакинга Юртимдан узокда, элдан нарида. Демангиз, бас энди, шонир қариди. Сўқлаиб боқмасин хар гўзал қизга. Гўзаллик бўлмаса шонир қайида. Шонирлик гўзаллик шайдоси дедмак. Шонир бор, гул ўнса эл юрган боғда. Шонир бор, севгида ёнаркан юрак. Соҳининг оқидан демангиз, кекса, Кексалик юрибди нариги боғда. Дўстларинг хўш сўз-ла меҳрини тўкса Рост айтсам, азизлар, гап кўпдир оқид! Неча кун бу япон ерини кезиб, Нималар кўрмади бу муштоқ кўзим. Баъзида ҳайратдан адашса сўзим, Баъзида бир хиллик кўярди эзиб! Уч ҳафта бўлдики мен сендан қирок Мен сени соғиниб қолмакан, юртим. Бунчалар баркамол, бунчалар порлоқ, Шунчалик меҳрининг мен энди кўрдим. Сен менинг қалбимга жон бўлиб кириб, Нур бўлиб кўзимда ёниб турбсан. Мен эса, мағрурман чет элда юриб, Мен сенинг меҳрининг қайти фарзандинг. Фарзандки, оғзингда асалнинг, қандинг, Фарзандки, сен билан топандир камол. Салом, эй, она-юрт, эй, она қирок, Қанчалар буюксан, қанчалар порлоқ, Бир ёшга улғайиб қайтидм бағринга. Қўшиқлар тўқирман яна шаънингга.

Бир ҳисса! У ўлимга маҳкум! — Бўпти, бўпти! Текшираман! текшириб кўрамиз. Айтганларинг рост бўлса уни жазолаймиз. Ёлгон бўлса сенинг ҳолингга вой.

Бу гапни эшитган Қоракўшнинг ранги қуя ўчибди, ақли қонибди. Бироқ таразғўйини балоси тўғайли хурсанд бўлиб қайтиб кетибди.

Текширувчилар келибди. Оққонининг эшигини тақиллатмай, қақирмай секин қулоқ

Екубжон ШУКУРОВ

ТУХМАТЧИ

(Эртақ)

— Қўшим. Қўшим! Сиз, сиз зукко экансиз! Зукколарнинг ҳам доноси экансиз! Дарров билдингиз-а, дарров билдингиз!

— Кўп бидирлаб хушомед қилверма! Пасткаш одам хушомадгўй бўлади. Хўш, қўшнинг ким! Оти нима! Айбини айт-чи!

— Э, унинг минг битта айби бор, қай бирини айтгай! Унинг жазоси ўлим, ўлим! Ҳа, ўлим!

— Қани, пича айт-чи! — Айтсак, кунин бўйи чирманда қалиб, рақсга тушиб,

— Бу айб эмас. Яна! — Уғирлик қилади, ўғирлик! Ғирт ўғри у!

— Бу ёмон айб! Нима ўғирлайди? Кимнинг молини ўғирлайди?

— Унис менга қоронғиқор, Бугдой, арпа, эгир, кунжут, маккажўхори, нўхот, мош — ҳар балони ўғирлайди.

— Ҳа, ҳа! Унда гуноҳи катта экан!

— Жуда ҳам катта! Уғирлиги бир ҳисса, тинчлик бермагани солишибди. Ҳақиқатан ҳам тапира-тупир ўйин бўлаётганини сезишибди. Аста қириб қарашаси Оққон эри, ўғли билан тўртталаси қил-қизил қонга бўялиб кетибди. Уларни кўрган текширувчи ҳайрон бўлибди.

— Келинг, келинг, — дебди ота Оққон. — Азиз меҳмонимиз бўлинг!

— Раҳмат! Аввал бир-икки саволимизга жавоб берсангиз, Оқ каламушхон.

— Марҳамат, бош устига. Беринг саволингизни.

— Сизни ўғирликда айблаш-япти. Бу — бир. Иккинчидан, кена-кундуз базм қилиб, рақс тушиб, кўни-қўшинларга тинчлик бермас эминсиз. Бу гапларга қандай қарайсизлар? — дебди текширувчи.

Оққон нима деб жавоб беришини билмай ўнғайсизланибди.

— Ишни севган одам иш вақтида ҳеч қачон базм, рақс ни лозим кўрмайди, севмайди. Меҳнат — поклик, демекдир.

ЗАНЖИР

(Қатра)

Ешлигимдаги занжир воқеаси ҳеч ёлмидан чиқмайди...

Колхозда қудуқ қазилгач, челакни тушириш ва тортиш учун гупчак ўрнатилди. Дадам унга маҳкамланаётган занжирнинг ҳар бир ҳалқасини синчковлик билан текшира бошладим. Мен бунга ҳайрон бўлдим. Бунинг устига қудуқ ҳаётимизда янгилик эмасми, ундан тезроқ сув олиб ичшига ошқардим.

— Дадажон, намунча текширдингиз? Тезроқ сув олиб беринг, ичким келяпти, — дедим.

— Қўздан кечирмасак бўлмайди, — деди дадам бамай-лихотир.

— Нега?

— Агар занжирнинг мўрт ҳалқаси бўлса у узалиб кетади. Бундай занжир ҳеч нарасига арамай қолади.

Дадамнинг ўша пайтда айтган бу гапларини ҳозирги вақтда илғор коллективларда учраб турадиган айрим дангаса кишиларга кўзим тушганда эсламан. Назаримда, ўша хилдаги кишилар мустақкам занжир орасига жойлашиб олган мўрт ҳалқаларга ўхшайди.

Дилшод ЖАЛОЛОВ.

— Раҳмат, сизга! Мана, кўриб турибсизки, биз оиламиз билан қонга бўялиб меҳнат қилаямиз.

— Нима қилаясизлар! Бугдой янчасизларми?

— Яшан! Думимиз билан бугдой янчамиз. Кўринг, думларимиз билан бошокни ураверганимиздан думларимиз қонга бўялиб, қип-қизил бўлиб қоляпти. Ёзда ҳаракат қилмасан қишда очинмиздан ўламиз. Уғирликка келсан, биз сичқонларга ўхшаб бугдойладан чиқиб, бошини эгиб олиб ташиб қочмайми. Уримдан қолган бошокларни териб келиб, янчиб оламиз.

Жуда яхши! Хўш, нима учун Қоракўшнинг қизини, ўз келинингизни ҳайдаб юбордингиз?

— Авваламбор, ҳеч ким уни ҳайдагани йўқ. Уғлим: «Эй, Ойпарча, сен ҳам бизга ўхшаб ишлагин, текинхўр бўлма. Ё сен бошоқ олиб кел, мен янчининг ёки мен келтирай, сен янчининг, деса, у нима дебди дед: «Мен қўл эмасман ташинган. Думимни ара-чақа қилиб янчилар! Мени аҳмоқ деб ўйлаган!» дебди.

— Кекса ота-онам қўлми сенга? — деб сўрабди ўғлим. — Еки мен қўлманми сенга? У бўлса: «Қўлсанлар, ўғрисанлар» дебди. Уғлим шундан кейин у билан ажралишга мажбур бўлди.

— Ҳа, ҳа! — дебди текширувчи ўйчанлик билан. — Текинхўр, беодоб фарзанд ўтирган Қоракўшларнинг жазосини берамиз.

Шундай дебди-ю текширувчи орқасига қайтибди. Бориб ҳаммасини айтибди. Қора, сарки каламушларни илонлар қидира бошлашди. Илонларнинг каламушхўрлиги шундан экан, туҳматчиларнинг жазоланиши чиндан экан.

ОРЗУ

СССР Давлат мукофоти лауреати расом Баҳодир Жалоловнинг «Меъмор дунёси» асари.

В. Дубровский фотоси.

Бўрон ва дарахт

Кўни булут босди, Ғузулар шамол. Гул-гилҳар титрар Эди бемалол. Еру кўни шу он Тўтарсам дейди. Бир ажиб тўлоон Кўтарсам дейди. Дарахтлар қаддини

Машҳур ғазаллар таҳлили

ХУВАЙДО

«ЖАМОЛИНГДИН ЖУДО ҚИЛДИНГ»

На қилдим санга ман, ёрим, жамолингдан жудо қилдинг. Бошимда гарди ғамни чун чароғи осиб қилдинг. Ҳамиша куйдуруб шамъи фироқинг бирла жонимни,

Мани парвонани хокистарини зире по қилдинг. Жудо айлар экан сандин, аё ёри пари талъат, На деб аввал ўзунгга ман ғарибни ошно қилдинг. Нигоро, фурқатинг бирла фақирини нотавон айлаб, Алифдек қоматимни лом алиф янглиғ дуто қилдинг.

Жудоланг осмонидин солиб бир барқи оламсўз, Жужудим хирманин ўртаб, адо қилдинг, адо қилдинг.

Ушал рўзи билурмасан мани, айдим: «Эй, ёрим, «Бало», — дедим, сани сўйдим, балога мубтало қилдинг.

Аё дилбар, Хувайдодек балокашни эшикларда Солиб кўздин, асири бенаво, зори гадо қилдинг.

Эй, ёрим (маъшуқа), мен сенга нима гуноҳ қилдимки, мени жамолингдин жудо қилиб, бошимда ғамнинг гардини худди тегирмон (осе)нинг ўчай-ўчай деб турган чироғи бошидаги гард каби қилдинг, яъни мени ғам гардида шундай кўмиб юбордингки, тегирмон чироғи каби ўчиб (ўлиш) ҳолатдаман. (Баъзи хонадалар «бошимда дарди ғамини» деб хато айтишлар).

Ўзингдан айрилиш, жудоланг (фироқ) шамъи билан жонимни куйдириб, мен парвона (шамъ атрофида айланадиган чивини)ни оёқ остидаги қўл қилиб юбординг.

Эй, пари каби гўзал ёр, охири-ку тақдир мени сендан жудо қилар экан, нима учун аввал мен беватан (ғариб)ни сен ўзингга ошно қилдинг?

Эй, нигорим (маъбудам), ўзингдан жудо қилишинг (фурқатинг) билан мени бир қашшоқ, ҳеч нарсатга яроқсиз (нотавон) қилиб, «алиф» ҳарфидек тинг қоматимни «ло» ва «алиф» ҳарфлари бирикмасидаги «ло»дек эгиб қўйдинг.

Жудолангнинг осмонидан оламни ёндириб юборадиган бир қадоқ (нур)ни юбориб, вужудим хирманини куйдириб, адоин тамом қилдинг.

Ўша кун эсингда борин, мен: «Эй, ёрим, ҳа (бало) сўзсиз сени севдим», — дедим, сен эса балоларга йўлиқтирдинг (Бу ерда шонир арабча «бало» — «ҳа» сўзи билан «бало» — «азоб-уқубат» сўзларини келтириб чиройли сўз ўйини ишлатган: «бало» — «ҳа» дедиму балога қолдим).

Эй, дилбар (юракни узиб олувчи), Хувайдо каби балоларни кўтариб юрвчинини кўздин йироқлаштириб, эшикма-эшик юрвчи тутқун, бахтсиз, ожиз (бенаво), ориқ бир гадо қилдинг.

И. АБДУЛЛАЕВ, филология фанлари доктори.

Кўргазмага марҳамат

Фотоахборот

Ўзбекистон Расомлар Союзининг Марказий кўргазмалар залида республика ҳайкалтарошлари асарларидан тузилган кўргазма муваффақиятли намойиш этилмоқда. Кўргазмада Тошкент шаҳри ҳайкалтарошлари билан бир қаторда республика областларида истиқомат қилаётган ҳайкалтарошлар ҳам ўз асарлари билан қатнашмоқдалар. СУРАТЛАРДА: Х. Хусниддинхўжаевнинг «И. Охунбобоев», И. Жабборовнинг «Меҳнатчилар», М. Облокуловнинг «Меҳнат семестри» асарлари.

У. Шарипов фотолари.



Бувижон, ўқиб беринг

Эгиб ташлади. Япроқларни бирдан Юлғи бошлади. Дарахт силкинар эди Ғўёни дерди: «Мени қандай сугурасан, Илдишим ерда!»

Қўшиқ

Мен қўйлайман Шод, мамнун. Мен қўйлайман Бахтли кун. Янгра қўшиқ


Баландроқ. Қурра узра Қанот қоқ. Қўшиқ чорлар Тинчликка, Иқбол, бахтга, Тинчликка. Тинчлик бўлса, Шу сўзим Янгар доим Ер юзи. Мен қўйлайман Шод, мамнун. Мен қўйлайман Бахтли кун. Темур КАРИМОВ.

да меҳр ўйғотиш, уни ардоқлаб-асраш туйғусини юзага келтириш проблемалари ҳам эсдан чиқарилган эмас. Болаликни эртасига тасаввур этиб бўлмайди. Шу босдан ҳам биз рус, ўзбек, ҳинд, литва эрталарининг бутун бир туркумининг планга киритилган. Бундан ташқари Жанни Родариининг китобларини ва ака-ука Гриммларнинг эрталарини наир этиб, ёш китобхонларни қувонтирмоқчимиз.

— Гулчехра Нуруллаева, сўнгги савол: «Юлдузча» нашриёти қаерда жойлашади,

унда қандай редакциялар ишлайди? Ҳозир учта редакция — мактабгача тарбия ёшидаги болалар, кичик ва ўрта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун редакциялар ташкил қилинди. Нашриётнинг адресига келадиган, бу саволга ҳали жавоб беришни қийин... биз ҳозирча, республика. Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг биносидан иш бошлади.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА, ЎзТАГ мухбири.



Табиятнинг чиройи бўлиб турган мана бу икки дарахтнинг метронинг В. И. Ленин номидаги станцияси олдидаги маршутли таксилар бекатида кўриб, бахри-диллигимиз очилади. Қошонадек гўзал бекат соябонларнинг бунёд этган қурувчилар бу азият дарахтларини муҳофазаси қилиб, яхши сақлаб қолдиришган. Шаҳримизга фусункорлик бағишлаган ҳар бир дов-дарахтнинг, яшил буталарнинг кўз қорачиқидек асраб-авайласак, улар табиятга чирой, кайфиятимизга хушнудлик бағишлар туради.

М. Ҳакимов фотоси.



Иккинчи турда ленинградлик спортчилар — халқро шашка бўйича СССР чемпиони Елена Мартянова ва мамлакатнинг собиқ чемпиони Людмила Петрова мағлубиятга учрашди. Е. Мартянова Ўшнинг тағиллик Татьяна Тетерина билан ўйнаган партияда тактик зарбани кўрмай қолди. У вазиятни тенглаштириш учун бор маҳоратини ишга солиди. Аммо мағлубиятдан қутила олмади. Л. Петрова эса Людмила Ма-

кушевага қарши оқ донларнинг сурди. Дастлабки дақиқада оқ донларнинг тактикаси устунлигини кўлга киритиб, ҳужумни давом эттирди. Натижада дастлабки ғалабани кўлга киритди. Шу кунги республика-мизнинг вакили Зайнаб Сафинанинг омади келмади. У оқ донларнинг сурди бўлишига Читайкиннинг шиддатли ҳужумларига дош бера олмади. Республика-мизнинг бошқа вакиллари Карина Мирзоева ва Ирина Иванова ўзаро бел-гиллиди. Ўйин давомида ан-джелик спортчиларнинг устун-лиги ақлоқ сўзлаб турди. Аммо у бу имкониятдан фой-далана олмади. Натижада пар-тия дуранг билан аяқланди. Тошкентлик Хадича Ибрагимо-ва мамлакат биринчилигининг совриндори Ревекка Эстеркина билан бўлган учрашувда юксак тактик маҳорат кўрсатди. У ярим очикни кўлга киритди. Бошқа учрашувларда ҳам шундай натижа қайд этил-ди.

Учинчи турда мусобақа пеш-кадаки Елена Читайкина Карина Мирзоева билан учрашди. Бутун ўйин давомида томон-ларнинг имкониятлари тенг бўлиб турди. Партия дуранг билан аяқланди. Бундан го-меллик Зинаида Белкина ус-таллик билан фойдаланди. У

Елена Мартяновани мағлубият-га учратиб, пешкадамага етиб олди. Шу кунги тошкентлик Ирина Иванова ҳам ғалаба на-шадисини сурди. У Ревекка Эстеркинани мағлубиятга уч-ратиб, пешкадамадан сафидан жой олди.

Зайнаб Сафина Светлана Яковенкога қарши донга сўриб, дурангга эришди. Х. Ибраги-мова — Л. Петрова учрашув-ида ҳам очко баҳам кўрилди.

Л. Макушева — Т. Тетерина учрашувда томонларнинг ма-вқеи ўзгариб турди. Ташаббус гоҳ у, гоҳ бу спортчилга ўтарди. Улар киноянинг усулларидан усталик билан фойдаланиб,

ниҳоят дурангга рози бўлиш-ди.

С. Устименко — Е. Ткаченко учрашувда эса воқеалар шид-дат билан ривожланди. Қора донлар билан ўйнаган ригалик спортчи яширин «тузоқ» қўлла-ди. Одессалик спортчи эса бу «тузоқни» пайқамай қолди. На-тижада мағлубиятини тан олиш-га мажбур бўлди.

Шундай қилиб уч турдан сўнг икки аримтадан очко тўп-лаган З. Белкина ва Е. Читай-кина пешкадамада қишлоқчи-лик қилишди. Тошкентлик Ирина Иванова эса икки очко билан учинчи ўринда борапти.

Р. АДОНЬЕВ.

БОКС БЎЙИЧА СССР ҚҲРОЛЛИ КУЧЛАРИ ЧЕМПИОНАТИ

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

«Ёшлик» спорт аренасида ҳал қилувчи олишувлар ара-фасида ниҳоятда қизиқарли «жанглар» бўлди. Халқро классли спорт мастери, СССР ва Европа чемпиони Пётр Галкин рингда Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи тер-ма командасининг аъзоси, спорт мастерилигига кандидат Олег Андриянов билан куч синишиб, ақлоқ устунлигида ғалабага эришди. Фолибни та-риқлаб, ундан бир саволга жавоб беришни илтимос қил-ди. У ҳозиргина рингда уч-рашган рақиб ҳақида шундай деди:

— Олег жисмоний жиҳатдан яхши тайёрларлиқа эга, так-тик маҳорати ҳам ёмон эмас.

Энг асосийси, у рингда сўнгги дақиқага қадар олишми кўн-ик-масига эга. Бу ҳислат ёш бокс-чи учун ниҳоятда зарур. У рақибнинг шухрати, машҳур-лигини ҳисобга олмади. Мен Олегдан ўн ёш каттаман, рингда 300 марта куч синиш-ганман. Тажриба жуда бой. Шундан келиб чиққан ҳолда айтишим мумкинки, бу ёш боксчи кўн билан машқ қилса машҳур мастерлар қаторидан жой олиши мумкин.

Ҳа, Олег Андриянов кучли спортчи — 71 килограммга ва-зан тоифасида мамлакат че-мпioniга ютқазди. Тўртинчи айтганда, бундай спортчиға им-кониятни бой бериш билан ҳам

тажриба орттириш мумкин. Ак-синча олдидан дэвоғарлар са-фига киритилган спорт мас-тери Алишер Аҳоровнинг мағлубияти қутилмаган ҳо-диси бўлди. У Карпунин билан бўл-ган олишувда ўз имкониятла-ридан тўла фойдалана олмади.

Шу кунги рингда қувончи воқеалар ҳам бўлди. Спорт мастери Ҳаким Матжонов чорак финалда Волгабўйи ҳарбий округининг вакили, спорт мастери Элдор Магомедов билан олишди. Дастлабки икки раундда тенг кураш бор-ди. Ҳар икки спортчи ҳам ла-бага интилди. Ҳал қилувчи сўнгги уч минутада Ҳ. Матж-онов бир неча марта кучли зарба беришга улгурди, рақи-

бини анча шошириб қўйди. Шу боисдан ҳам учрашув тугаши-га бир неча дақиқа қолганиде судья учрашувни тўхтатди. Бу М. Ҳакимов тўла устунлигида голиб чиқди, деган маънони билдирарди.

Шу кунги Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округининг олти боксчиси кейинги боксчи-га йўллана олди. Улардан икки киши спорт мастерлари Сергей Мозгунов ва Ҳаким Матжонов ярим финалда қат-нашми ҳуқуқига эга бўлишди. Улар кам деганда бронза ме-далини кўлга киритдилар. Москва ҳарбий округининг е-ти боксчиси ярим финалда қатнашми ҳуқуқига эга бўлди.

Мутахассислар бу округ комен-даси чемпиони бўлишини башо-рад қилишмоқда.

Г. МИХАЙЛОВ.

ҚИШКИ ФОРМАГА

Тошкент гарнизони бошли-гининг буйруғига мувофиқ Тошкент гарнизони қўшинла-рининг барча шахсий состави 25 ноябрдан қишқий формага ўтади.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВЕВ.

реклама ЭЪЛОНЛАР реклама



ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БҮРОСИ

ОТПУСКАНИНГ БИР ҚИСМИНИ, ДАМ ОЛИШ ВА ИШ КУНИДАН БЎШ ПАЙТЛАРНИ ЗАВҚЛИ ЭТКА-ЗИШ МАҚСАДИДА 3—5 КУНЛИК АВИАЦИЯ САЁ-ХАТЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

МАРШРУТЛАР:
СЕВАСТОПОЛЬ — 30 ноябрдан 5 декабргача. Баҳо-си — 159 сўм.
ФРУНЗЕ — 28 дан 30 ноябргача. Баҳо-си — 80 сўм.
ДУШАНБА — 28 дан 30 ноябргача. Баҳо-си — 68 сўм.

Сафарга самолётда бориш ва келиш, овқатланиш, ме-х-монхонада жойлашмиш, экскурсия хизмати ҳақи путёва-нинг баҳо-сига кирди.
МУРОЖААТ УЧУН АДРЕС: 700078, Тошкент шаҳ-ри, Параллар хибони, 5-уй. Телефон: 39-13-12.

ҚОРҲОНА ВА
ТАШКИЛОТЛАРНИНГ
РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА
ТОШКЕНТ ШАҲАР
АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР «БАҲОР»
ДАВЛАТ ХАЛҚ РАҚС
АНСАМБЛИ

ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИНИ
ЎТКАЗАДИ

Янги йил томошаларига
коллектив ташкилотлар қабул
қилинади.
Мурожаат учун адрес:
700024, Тошкент шаҳри,
Параллар хибони, 5-уй.
Телефонлар: 39-46-09, 39-
46-10, 39-46-08.



ШАҲАР АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Бўшаган шаша идишларини
қабул қилувчи барча пункт-
лар ва шаша идишларда мол
сотувчи озиқ-овқат магазин-
лари

БУТУН ИШ КУНИ ДАВОМИДА
сигини 0,8 литрли
шампан виноларидан бўша-
ган шаша идишларини
фақат тоза, зар қорғосиз
ва ёрликсиз ҳолда
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Маълумотлар учун теле-
фон 33-72-59.

Тошкент шаҳар савдо бош
бошқармасининг ишлаб чиқар-
чи, транспорт ва таралар
бошқармаси.

«СОЮЗТОРРЕКЛАМА» БУ-
ТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМА-
СИННИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕК-
ЛАМА АГЕНТЛИГИ (теле-
фон 45-37-27).

Ўзбекистон ССР Хунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИНИНГ

37-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1986-1987 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ МЕТРО ҚУРИЛИШИ УЧУН МУТА-
ХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: қўлда пайвандлаш бўйича
электр пайвандчи, электр-газ пайвандчи, бўёқчи-сувоқчи,
дурадгор, пардозловчи-плитка ётқизувчи, сувоқчи, кон-
троль-ўлчов асбоблари ва санават ускуналар бўйича электр-
рослесарь, автомобильлар ремонтини бўйича слесарь, авто-
мобиль йўли техникаси бўйича слесарь. Ўқиш муддати —
8-синф ҳажмидаги маълумотлилар учун 3 йил;

бўёқчи-сувоқчи, пардозловчи-плитка ётқизувчи, қўлда
пайвандлаш бўйича электр пайвандчи. Ўқиш муддати ўрта
маълумотлилар учун 1 йил;

токарь. Ўқиш муддати ўрта маълумотлилар учун 6 ой.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪ-
ЛУМОТЛИ НИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8-синфни битириб ўқишга кирганлар тўлиқ давлат таъ-
минотида бўлади: (дам олиш кунлари кийинладиган
кийимлар ва иш кийимлари, ҳар кунги уч маҳал овқат
билан таъминланади). Ўқишни битирганлар эгаллаган
ихтисоси бўйича берилган разряд ёзиб кўрсатилган дип-
лом, ўрта маълумот ҳақида диплом оладилар.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганларга ҳар ойда
80 сўмдан 94 сўмгача стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар ишлаб
топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚўШИБ
ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини битирганлар темир-йўл транспорти хо-
димлари учун белгиланган ҳамма имтиёзлардан фойдала-
надилар.

Билим юртини аъло баҳо-лар билан битирганларга ўз
ихтисоси бўйича олий ўқув юртига ўқиш учун йўлланма
берилади.

Билим юрти яхши жиҳозланган кабинетлар, ишлаб
чиқариш устаконалари, спорт зали, ётоқхонага эга. Спорт
секциялари ва турли хил тўғараклар ишлайди.

Кирувчилар куйидаги ҳужжатларни топширадилар:
маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, мактабдан характери-
стика, 286-формадаги медицина справкиси, турар жойидан
справка, 3х4 см ҳажмидаги 6 донга фотосурат, ариза.

Мурожаат учун адрес: 700156, Тошкент шаҳри, Чилон-
зор массиви, Д-20 квартал, 35-уй (50, 78, 94-автобуслар,
6, 11, 19-троллейбусларнинг «20-квартал» бекати).

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг профилдаги йўнувчи-токарь, электр кўприк кран-
ларининг машинисти, қўлда ва машинада қолипловчи.
Ўқишга 17 ярим ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар
қабул қилинади. Ўқиш муддати — 10 ой.

Стипендия — 72 сўм, ишлаб чиқариш практикаси
даврида ишлаб топиладиган меҳнат ҳақининг 50 проценти
тўланади.

Санават асбоб-ускуналарини ремонтини бўйича слесарь, ме-
талл қирқич ва темирчилик-пресслаш асбоб-ускуналарини
бўйича монтажчи-слесарь, тепловознинг механика қисми
ремонтини бўйича слесарь, тепловознинг электр қисми ре-
монтини бўйича слесарь, электр-газ пайвандчи-сантехник,
кучланмиш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналарини электр
тормозини. Ўқиш муддати — 3 йил.

Ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги 8-синф маълумоти-
га эга бўлган йигитлар қабул қилинади. Ўқишга қабул
қилинганлар 3 маҳал овқат, ишлаб чиқариш практикаси
даврида ишлаб топиладиган меҳнат ҳақининг 50 проценти
билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚўШИБ ҲИ-
СОБЛАНАДИ.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой бе-
рилади.

Билим юртида музика тўғараклари ва спорт секцияла-
ри ишлаб турибди.

Ўқишни битирганларга диплом берилади, аълочилар
эса, олий ва ўрта ўқув юрти-ларига имтиёзли шартлар билан
қабул қилинадилар. Билим юртини битириб чиққан-
лар темир йўл транспорти ходимларига берилган барча
имтиёзлар, шу жумладан темир йўл орқали Совет Итти-
фонининг исталган ерига бепул бориб келиш ҳуқуқидан
фойдаланадилар.

Ўқишга кирувчилар куйидаги ҳужжатларини топшира-
дилар: директор номига ариза, таржмаи ҳоли, турилган
лиги тўғрисидаги гувоҳнома, ота-оқасининг иш жойи-
дан ва яшаб турган жойидан справка, характеристика, 8
дона фотосурат (3х4 см.).

Машгулотлар группалар комплекташувига қараб
бошланади.


Ҳужжатлар ҳар кунги (якшанбадан ташқари) соат 9 дан
17.00 гача қабул қилинади.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳри, Ленин райони,
Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5, 26-трамвайлар; 106-авто-
буснинг «Фоменко кўчаси» бекати).

СУМКАЛАР

СУМКАЛАР ҲОЗИРГИ ДАВРНИНГ КЕРАКЛИ ВА
МОДАЛИ БУЮМИ ҲИСОБЛАНАДИ. ВИЗ ДАВРА
БОРИШИМИЗГА ҚАРАБ, КЕРАКЛИ СУМКАНИ ТАН-
ЛАЙМИЗ. ТЕАТРГА ЧИРОЙЛИ ВА ИХКАМ, СПОРТ
МАЙДОНИГА ҚУЛАЙ ВА СИГНИДОР СУМКА ОЛИБ
БОРАМИЗ.

ТОШКЕНТДАГИ ҚўН-ҒАЛАТЕРЕЯ ВА СПОРТ
МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ



ёшларга модални, «мол-
ния» занжирли елим ган сумкаларини;
ҳамёни, икки бандли, ёши каттароқ аёллар-
чиroyли шаклда тикил-
ган сумкаларини;
ёши каттароқ аёллар-
ган сумкаларини;
ёши каттароқ аёллар-
ган сумкаларини;



га ҳамёни қопқоқли, ма-
йин лента билан безак-
ланган, узунчоқ тўғри
тўрт бурчак шаклидаги
сумкаларини;
уй бекаларига эса
сунъий теридан, «мол-
ния» занжирли, иккита
ҳамёни қопқоқли снгим-

дор сумкаларини тавсия

1-«Перспектива» мага-
зинида, ГУМ, ЦУМда

«Ўзбекистон» фирма ўзингизга керакли сум-
савдо бирлашмасининг каларини тандаб оласиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНАОТ МИНИСТРЛИ-
ГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОИҲА-КОНСТРУКТОР-
ЛИК ТЕХНОЛОГИЯ БҮРОСИ (телефон 46-06-60).

«СОЮЗТОРРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИР-
ЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТ-
ЛИГИ (телефон 45-37-27).



НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗ-
БЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК
КАТТА ТЕАТРИДА — 23/ХI да
Оловдиннинг сөхрли чиро-
ғи (12.00), Қўйша тазийи
(19.00), 25/ХI да Чино-Чино-Сан,
ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА
ТЕАТРИДА — 23/ХI да Ғариб-
лар, 25/ХI да Кузининг биринчи
кўни.

МУҚИМНИЙ НОМИДАГИ ЎЗ-
БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ
ТЕАТРИДА — 23/ХI да Тохир
ва Зухра, 24/ХI да Чаргон-
дир чўлда юлдузлар.



24 НОЯБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОЧИНГ, ПОЛИЦИЯ!» —
Дружба (жуфт ва тоқ соат-
ларда, телефон 66-15-75).

«ТОМДАГИ РАҚСЛАР» —
ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соат-
ларда, телефон 33-44-52).

«КЕЛИН-КУЕВЛАР УЧУН
СОҶОБОН» — Москва (17, 19,
20.40; телефон 33-05-01), Ну-
кус (тоқ соатларда, телефон
46-70-69).

«ЛУИЗИАНА» — Ўзбекистон
25 йиллиги (16, 18.30, 21.00;
телефон 53-65-87), Восток (16,
18.30, 21.00).

«ЎШНИ АЕЛ» — Тошкент
Советининг 50 йиллиги (18, 20,
21.30), Ҳамза номли (жуфт соат-
ларда).

«ИТАЛЬЯНЧА АЖРАЛИШ» —
Ватан (16, 18, 20, 21.30; теле-
фон 75-54-39).

«АЛИБОБОВА ВА ҚИРҚ ҚА-
РОҚЧИНИНГ САГУЗАШЛА-
РИ» — Тинчлик (18.30, 21.00).

«МАРКАЗИЙ КУЧАДАН ОР-
КЕСТР БИЛАН» — К. Ерматов
номли (тоқ соатларда), Қозо-
ғистон (жуфт соатларда).

«ТАВАККАЛЛИК ҲУҚУҚИ» —
Чайка (21.00).

«ВАСИЯТ» — Искра (16,
20.00; телефон 39-14-59).

«КИМ ВА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ» —
Лисунчи номли (17, 19,
21.00; телефон 96-34-02).

«МЕРСЕДЕС-ДАГИ КИШИ-
НИНГ ЧАКУВИ» — Санъат са-
ройи (16, 18.30, 20.40; теле-
фонлар 44-21-44, 44-21-34).

«СЕНИНГ БИЛИШНИНГИ БИ-
ЛАМАН» — Мир (тоқ соат-
ларда).

«ОЛТИН ЛАНГАР» ЛИК БАР-
МЕН» — Ф. Ғуллом номли (17.00).

25 НОЯБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОЧИНГ, ПОЛИЦИЯ!» —
Дружба (жуфт ва тоқ соат-
ларда, телефон 66-15-75).

«ТОМДАГИ РАҚСЛАР» —
ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соат-
ларда, телефон 33-44-52).

«КЕЛИН-КУЕВЛАР УЧУН
СОҶОБОН» — Москва (11, 13,
15, 17, 19, 20.40; телефон 33-
05-01), Нукус (тоқ соатларда,
телефон 46-70-69).

«ЛУИЗИАНА» — Ўзбекистон
25 йиллиги (11, 13.30, 16, 18.30,
21.00; телефон 53-65-87), Вос-
ток (13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ЎШНИ АЕЛ» — Тошкент
Советининг 50 йиллиги (10, 12,
14, 16, 18, 20, 21.30), Ҳамза
номли (жуфт соатларда).

«ИТАЛЬЯНЧА АЖРАЛИШ» —
Ватан (12, 14, 16, 18, 20, 21.30;
телефон 75-54-39).

«АЛИБОБОВА ВА ҚИРҚ ҚА-
РОҚЧИНИНГ САГУЗАШЛА-
РИ» — Тинчлик (16, 18.30,
21.00).

«МАРКАЗИЙ КУЧАДАН ОР-
КЕСТР БИЛАН» — К. Ерматов
номли (тоқ соатларда), Қозо-
ғистон (жуфт соатларда).

«ТАВАККАЛЛИК ҲУҚУҚИ» —
Чайка (21.00).

«ВАСИЯТ» — Искра (12, 14,
16, 20.00; телефон 39-14-59).

«КИМ ВА